Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
5 март
ШАНБА

№ 19
(12.343)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли дўстлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарувчилари, ходимлари ва фахрийлари!

Сизларни – ўзини одамларнинг ҳаётини асраш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишдек олижаноб ишга бағишлаган барча инсонларни қутлуғ сана – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги билан самимий табриклаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини табиий офатлар, техноген ҳалокат ва фалокатлардан муҳофаза қилиш бўйича ишончли ва самарали миллий тизимни яратиш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Шу борада қўйилган мақсадга эришиш йўлида кўлами ва моҳиятига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида", "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил этиш масалалари, шунингдек, қутқарув хизматлари ва қутқарувчилар фаолиятини, ҳуқуқий мақомини тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шаклланди.

Юртимизда ва илғор хорижий мамлакатларда тўпланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда, фуқаро мудофааси қурилиши бўйича ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, ҳар томонлама пухта ўйланган, замонавий комплекс дастур асосида мутлақо янги, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ҳамда унинг мувофиқлаштирувчи органи – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу тизим 40 дан ортиқ турли вазирлик ва идораларни, республикамизнинг барча ҳудудий бўғинларини қамраб олиб, давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, табиий офат ва ҳалокатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларига қарши курашиш бўйича миллий куч ва воситаларнинг ўзаро уйғунлиги ва яқин ҳамкорлигини таъминламоқда.

Мамлакат ва минтақаларимиз даражасида ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари, объектларнинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатлар, жумладан, трансчегаравий кўринишдаги фалокатларга қарши чора-тадбирларни тезкор ва ўз вақтида амалга оширмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, сейсмик ҳолатларни кузатиб бориш ва ёнғинларнинг олдини олишда қўлланадиган технологиялардан, шунингдек, ҳалокатлар пайтида ишлатиладиган энг янги қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникадан кенг фойдаланиш фавқулодда вазиятларни мониторинг ва прогноз қилиш тизимининг юксак даражада ишончли бўлишини, қутқарув операцияларини режалаштириш ва амалга оширишнинг тезкорлигини таъминламоқда.

Шу йиллар мобайнида оператив фикрлаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини қандай ҳаракат қилишга ўргатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда илмий-педагогик ва ўқув-машғулот марказлари – Фуқаро муҳофазаси институти ва Қутқарувчиларни тайёрлаш маркази ташкил этилгани, уларда 20 минг нафардан ортиқ мутахассис ва қутқарувчи таълим олганини алоҳида қайд этиш зарур.

Хорижий марказлар билан табиий офатлар ва фалокатлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Хусусан, бу борада Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Япония, Украина, Латвия ва бошқа мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Табиий офатларни камайтириш халқаро стратегияси ва Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Осиё маркази каби халқаро тузилмалар доирасида фавқулодда вазиятлар хавфининг олдини олишга доир илғор амалий тажрибаларни алмашиш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Сўнгги ўн беш йил давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 4 мингдан ортиқ йирик қутқарув операциялари амалга оширилди.

Қутқарувчиларнинг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли 16 мингдан зиёд фуқаромизнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солган таҳдидларнинг олдини олишга эришилгани айниқса эътиборлидир.

Фавқулодда вазиятлар хизматлари ва тузилмаларини ташкил топиши бўйича шу даврда босиб ўтилган мураккаб йўлни баҳолар эканмиз, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлаши, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти, тинч меҳнати ва осойишталигининг ҳимояси ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айтиш мумкин.

Ҳурматли қутқарувчилар!

Кейинги вақтда дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган йирик табиий офат ва техноген ҳалокатлар, республикамизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида зилзила, жала ва тошқинлар, сел ва кўчкилар юз бериш хавфи, шунингдек, манбаи биз билан чегарадош давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий кўринишдаги хатарларнинг сақланиб қолаётгани ушбу хавфли ҳолатларга қарши самарали ва таҳдид даражасига мос равишда ҳаракат қилишни, барча қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг аниқ ва ўзаро уюшган ҳаракатини, ҳар бир қутқарувчининг ўз хизмат бурчини масъулият билан бажаришини тақозо этмоқда.

Қўйилган ана шундай мақсадга эришиш йўлида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қутқарув хизматларининг юқори малакали ходимларини тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича ишларни давом эттириш даркор.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳар бир ходими фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда мавжуд ҳолатга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда ўқитиш борасида ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар авваламбор қанча-қанча инсонларни қутқариб, ҳаётини асраб қолишга хизмат қилишини доимо ёдда тутмоғи лозим.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўз ишига садоқатли, профессионал мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўлолмайди. Чунки қутқарувчилик – бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир.

Ишончим комилки, мардлик ва матонат, ўз ишининг профессионал негизини чуқур билиш, тезкор ҳаракат қилиш ва сафарбарлик бундан буён ҳам сиз эгаллаган олижаноб касбнинг энг муҳим мезони ва хусусияти бўлиб қолаверади.

Сизларни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

Ўртачирчиқликлар "Оқ ота" маҳалласида яшовчи ҳунарманд Наргизахон Қурбоновани яхши билишади. Боиси, унинг қатъияти, иродаси, заҳматли меҳнати. Қолаверса, унча-мунча эркаклар қунт қилиб эгаллай олмайдиган ҳунари бор. У ганч устаси. Наргизахон раҳматли эридан ўрганганларини энди шогирдларига ўргатмоқда.

Аслида устахона 2005 йилда фаолият бошлаган. Бу ерда ясалаётган буюмлар – гулдон, ҳайкалча, турли жонзотлар, гул, дарахт, мева каби безак-кўргазмали маҳсулотлар харидорларга маъқул бўлмоқда. Одамларга маънавий завқ, қувонч бағишловчи нафис буюмлар нафақат вилоятимизда, балки республикамиз миқёсида ҳам харидоргир.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

АЁЛ – ЭЪЗОЗ УЧУН ЯРАЛГАН ЗОТДИР!

Аёл!.. Эркак зоти бу сўзни юз бор, минг бор такрорласа ҳам у ҳар сафар янги жозиба, янги оҳанг, янги маъно касб этиши аниқ. Дарҳақиқат, аёл қандай ҳилқат ўзи? Қандай сеҳру жоду, қандай қудрат соҳибаси аслида? Одам Ато авлодлари ўзини англабдики, бу саволга жавоб излайдилар. Ажабки, ҳар сафар, ҳар бир инсон ўз сўзини айтишга интилади. Ўз таърифу тавсифларидан ўзи завқланади.

Қалам аҳлинику асти қўяверинг. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғати турк" китобидан бошлаб шоирларимиз, ёзувчиларимиз томонидан аёл васфида топилган ташбеҳларнинг ўлчови йўқ. Демак, ҳар кимнинг ўз севган аёли, ўз муҳаббат олами, ўз нуқтаи назари бор.

Ҳар биримиз ардоқлаган аёллар аввалида шубҳасиз Она деган буюк зот туради. Албатта, мен ардоқлаган аёл зоти аввалида – меҳрибон, мушфиқ, дуосида дури бор, меҳру оқибатда, ҳалоллик ва ҳақиқатгўйликда йўлчи юлдузим – ўз Онам туради.

(Давоми 4-бетда).

ХОСИЯТЛИ ЙИЛ ХАЙРЛИ БОШЛАНДИ

Меҳнатобод Бекобод туманининг обод қишлоқларидан. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили дебочасида ташкил этилган "Учқунжон-Мухлисахон" хусусий корхонаси аҳолига яна бир қулайлик яратиб, қишлоққа файз бағишлагани шубҳасиз.

– Тадбиркорлик лойиҳамиз 2009 йил дастурига киритилган эди, – дейди корхона раҳбари Ибодат Низаева. – Бу йил "Агробанк"дан 50 миллион сўм кредит олдик. – Ҳозирги кунда 500 кв.м жойда қурилиш бошлаб юборилди. Бу ерда тикув цехи, гўзаллик салони, суратхона, компютер хизматлари, кондитер цехи ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларига хизмат қиладиган шохобчаларни барпо этмоқчимиз. Ҳозирча оила аъзоларимиз, келажакда яна 15 кишини иш билан таъминлаш режамиз бор.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг имкониятлар яратилаётган хосиятли йилда кўнглида шу ишга рағбати бор одам борки, қўл қовуштириб ўтиролмайди. Ибодатхон ҳам шундай ғайрат-шижоатли тадбиркор аёлларимиздан.

Келгусида бу корхона, айниқса, аёлларимизнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиши шубҳасиз. Зеро, бу ишда фақат ўзининг

манфаатини эмас, ўзгаларни ҳам ўйлайдиган тадбиркор, албатта, ютади.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Халқимизнинг шукроналик билан айтадиган сўзлари бор: "Кўпи кетиб ози қолди, қиши кетиб ёзи қолди". Мана бугун, баъзан илиқ, баъзида совуқ, ҳатто, аёзли кунлар аста-аста чекиниб, орзиқиб кутилган баҳор қуёши юз кўрсатди. Ҳатто, баҳор сўзининг ўзи ҳам қалбларга аллақандай илиқлик бағишлайди. Унинг илк кунларида одамзотга жон, ҳарорат, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган Онажонлар, аёллар байрамининг нишонланиши ҳам гўё ана шу фазилатлар эгасининг хосиятига бир ишорадек...

ВАТАН ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Аслида вилоятимиз аёллари, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли, фидокорона меҳнатлари ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Лекин, сўзимизни аёлларимизга яратилган шарт-шароитлар, уларни қўллаб-қувватлаш маъносидаги ғамхўрликлардан бошлаш ўринлидир.

Юртбошимизнинг биз – оналар, аёлларга бўлган эътиборида улуғ меҳр-муҳаббатнинг, ғамхўрликнинг тафтини ҳис этади киши. Бу ҳарорат аёлларимизга яшаш завқини, бунёдкорлик ғайрат-шижоатини бағишлаётгани шубҳасиз. Улар энди нафақат аёл, она, уй бекаси балки давлат ва жамият қурилишининг фаол иштирокчилари, "Замона аёли", "Энг фаол аёл", "Спорт маликаси", "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши ҳунарманд", "Ибратли оила соҳибаси", "Энг яхши Алла ижрочиси", "Энг яхши тиббиёт ходимаси", "Энг намунали маслаҳатчи", "Йил ўқитувчиси", "Энг моҳир тарбиячи"дир.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

ОЛАМ ЧИРОҒИ

Дунёда инсондек қудратли, шу билан бирга ўта нозик, ожиз жонзот йўқ. Айни пайтда бу сифатлар аёлларимиз учун берилган тўғри таърифга ўхшайди. Уларнинг гулдек нозик, кези келганда тошдан қаттиқ табиати шундай дейишга изн беради. Фасллар келинчаги илк баҳор кунларида аёлларимизни мадҳ этиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз ҳам бежиз эмас. У хоҳласа, баҳордек яшнаб, борлиқни гулу гиёҳга буркайди. Баъзида ўз ғурури, номус-ори, Ватан, фарзанд ҳимояси учун жонини, қаҳрини ҳам аямайди.

Чирчиқ шаҳрида таърифига тил ожиз онахонлар, хотин-қизлар байрами муносабати билан "Раҳбар аёллар клуби"нинг "Аёлга таъзим" кўрик-танлови ўтказилди. Унда жамиятимизнинг гули, таянчи бўлган турли соҳа вакиллари, ўз касбининг билимдонлари, оиласининг фидойилари – раҳбар аёллар иштирок этишди. Ўқитувчию шифокор, тарбиячию тадбиркор, оилавий фаол жамоатчи каби масъулиятли вазифалари, аёллик, оналик бурчлари намойиш этилган тан-

лов йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

ТАНЛОВ

ТАШАББУСКОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Паркент туманида "Ташаббус – 2011" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Танловда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхона раҳбари Шаҳло Кўчқорова, тикувчилик йўналишида Ислом Файзуллаев, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Севара Раҳимова, доривор чой тайёрлаш устаси Акмал Юсупов, фермерлардан Раҳимжон Абдуллаев, Дониёр Ботиров, Шуҳрат Усмонов, Хусниддин Усмонов, Асил Рўзимбоев, ҳунармандлардан Раъно Расулова, Муҳайё Аширбоева, Гулноза Дадаматова, Муроджон Қобулов, Мирзоир Муродалиев ва Олима Мухсимова иштирок этишди.

Тадбир якунига кўра, хусусий корхона раҳбари Севара Раҳимова йилнинг энг яхши тадбиркори, фермер Раҳимжон Абдуллаев йилнинг энг яхши фермери, Муҳайё Аширбоева йилнинг энг яхши ҳунарманди номинациялари бўйича ғолиб бўлишди.

Ғолибларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ.

СУРАТДА: танлов ғолиблари.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТАДБИР

ОЛАМ ЧИРОҒИ

Кўрикнинг 6 шартини ҳам аъло даражада бажарган 7 оқила аёлнинг барчаси ғолиб дея эътироф этилгани фикримизнинг далили. Уларнинг ҳар бирига ўзларига мос таъриф берилди: "Энг ташаббускор аёл" – Зуҳра Шерматова бош шифокор, доимо эзгу ишларга бош-қош; "Энг ижодкор аёл" – Луиза Жумабоева тадбиркорликнинг ҳаддини олган, аммо шеър ўқиганда тингловчини маҳлиё этади; "Энг нафосатли аёл" – Маъмура Хўжаева моҳир педагог, севимли устоз, нафақат фарзандлари, балки ўқувчиларининг ҳам ғамхўр онаси; Мавлуда Усмонова – "Энг маҳоратли аёл", маҳалла раиси, лекин жонли овозда қўшиқ айтса, тингловчини сел қилади. "Ўрик гуллаганда"ни айтиб, гўё барча дарахтларни гуллатиб юборади; "Энг зукко аёл" – Гулбаҳор Жалилова эса ишда талабчан раҳбар, қатъиятли, оилада севикли ёр, меҳрибон она. У вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор; "Энг истеъдодли аёл" – Саида Мирзараҳимова, у моҳир шифокор, лекин "Йил аёли" – Саида Мирзараҳимова билан адаштириб юборманг, улар исмию касби бир бўлган аҳил овсинлардир; "Энг пазанда аёл" эса Баҳринисо Бегматова бўлади. Бу бежиз эмас, ахир у болажонларнинг севикли онаси, боғча мудираси, соғлом, баркамол авлод тарбиячиси.

– Вилоятимизда бундай оқила раҳбар аёлларимиз кўп, – дейди тадбирда қатнашган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Бугунги кўрик-танловимиз бошқа шаҳар ва туманларда бўладиган тадбирларимизнинг дебочасидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВАТАН ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Бундай шарафга муяссар бўлаётганлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар, "Соғлом она – соғлом бола", "Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлар аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодаси эканлигини жуда яхши англашади, идрок этишади. Қолаверса, ўтаётган ҳар бир йилимизга берилаётган номлар ҳам аёлларимизнинг жамият тараққиётида ўз ўрни ва нуфузига эга эканлигини кўрсатади. "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Баркамол авлод йили" ва ҳатто "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"нинг энг фаол иштирокчилари ҳам аёлларимиз эканлигини фахр билан қайтароф этиш мумкин. Вилоятимиз аёллари катта қувонч ва умид билан кутиб олган тадбиркорлар, ҳунармандлар йили ҳам алоҳида кўтаринки саъй-ҳаракатлар билан бошланди. Энди ҳунарманд, тадбиркор, касаначи аёлларимиз элимиз, юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш имкониятидан мамнун. Йил дастури асосида бўлиб ўтган илк тадбиримиз "Тадбиркор аёллар форуми" деб аталди ва вилоятимиз шаҳар, туманларида семинар-тренинг сифатида давом этмоқда. Бўстонлиқ, Бекобод, Янгийўл, Зангиота туманлари ва Чирчиқ шаҳрида ўтказилган машғулотларда тадбиркор, фермер, ҳунарманд аёлларимиз ўз фаолиятларида зарур бўладиган маслаҳатларни олиб, иш тажрибаларидан сўзлаб беришди, банк ходимлари билан юзма-юз суҳбатлашдилар. Ҳозирги кунда 4 мингдан зиёд тадбиркор аёлларимиз нафақат ўзлари, балки бошқаларни ҳам иш билан таъминлаш масаласида жон куйдириляпти. Тадбиркорлар учун айни муддао бўлган йилимиз дебочасида ўз ишини йўлга қўйиш истагидаги тадбиркор, ҳунарманд, фермер аёлларимизнинг яна 400 та лойиҳаси вилоят тадбиркор аёллар уюшмасида кўриб чиқилмоқда.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда аёлларимизнинг соғлиги, кўркамлиги, жўшқинлиги энг зарур омиллардан бири. Юртбошимизнинг бу борадаги ғамхўрликларининг яна бир ифодаси бўлган "Асосий мақсад – соғлом алодни вояга етказиш" ҳақидаги кўрсатмалари баҳорнинг илк кунлариданоқ эртанги кун режасига тамал тошини қўйди. Айниқса, вилоятимизда қизларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг эътироф этилганлиги бизга қанот бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, қизларимизни бадиий гимнастикага жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларимизни таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда гимнастикачи қизларимиз 2000 дан ошди, ёки 2008 йилга нисбатан 2,7 баравар кўпайди. 12 та янги спорт секцияси иш бошлади. Ҳозирги кунда 87 та спорт секцияси вилоятимиз ўғил-қизлари ихтиёрида. 190 мингга яқин спорт ихлосмандларининг 70 мингга яқини қизлар эканлиги ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Хуллас, Ватан, жамият ва жамоат ишига камарбаста бўла оладиган соғлом, етук, баркамол аёлларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар самараси бундан буён ҳар қадамда бўй кўрсатаверади.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
вилоят ҳокими
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

жамоаси

табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш мўътабар аёлларимизни баҳорнинг илк шукуҳли айёми

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

билан қизғин муборакбод этади! Она замин уйғониб, чор-атрофни нафосатга буркаётган шу файзли кунларда Сизларга энг эзгу орзу-умидлар, гўзал тилаклар ёр бўлсин!

Ҳар бир хонадонни тинчлик, хотиржамлик, файз-барака, қувонч-шодлик тарк этмасин!

Вилоят прокуратураси органлари Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартириш, улар тақдим этадиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, улар фаолиятини ташкил этишдаги ҳар қандай сарсонгарчилик, таъмагирлик ва бошқа қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида вилоят прокуратураси органларида "007" рақамли ишонч телефонлари ташкил қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинди ва маҳаллий ҳокимликлар, давлат солиқ инспекциялари, банк ҳамда бошқа назорат органлари бинолларида эълон тариқасида бурчаклар ташкил қилинди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси туман ва шаҳар ҳокимликлари, назорат ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари иштирокида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммоларини амалда бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Хусусан, вилоят прокурори Оҳангарон туманида тадбиркорлар билан ўтказган учрашувда "Халил" фермер хўжалиги раҳбари М. Абдураҳмонова ўзларига бириктирилган ернинг 10 гектарида боғ ташкил этиш учун рухсат олиш ҳамда хўжалик йўналишини боғдорчиликка ўзгартиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўради. Прокуратуранинг аралашуви билан Оҳангарон туман ҳокимининг қарорига асосан "Халил" фермер хўжалигига 10 гектарли боғ ташкил қилишга рухсат берилди.

Оҳангарон шаҳридаги "Темир ота" хусусий корхонаси раҳбари Д. Алимхўжаева пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишни кенгайтириш учун иккита терминал олишда амалий ёрдам кўрсатишни сўради. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан бу масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилаётган назорат тадбирлари жараёнида айрим мансабдор шахслар жиддий қонунбузилишига йўл қўйиб, тадбиркорларнинг манфаатларини поймол қилаётгани аниқланиб, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Масалан, Қибрай туманидаги "Раҳмонқулов Турсунбой" хусусий фирмаси раҳбари Т. Раҳмонқулов вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги мансабдор шахслари унинг хусусий фирмасидан сотиб олинган гиламлар пулини тўлашдан бўйин товлашаётгани сабабли қонуний чора кўриш ва пулини ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатишни сўради.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида туман ҳокимлиги мансабдор шахслари ҳақиқатан ҳам мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2008-2009 йилларда фирмадан сотиб олган 6 миллион сўмлик гиламнинг ҳақини тўламаганлари аниқланиб, туман прокуратурасининг аралашуви билан фирмага етказилган зарар ундириб берилди. Туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

У. АЛИМОВ,
вилот прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори.

Тошкент вилояти Адлия бошқармасида ҳар ойнинг охирги жума куни "Ишонч телефонлари" орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари шахсан бошқарма раҳбарияти томонидан қабул қилинади. Маълумот учун телефонлар: 280-50-96, 280-51-04, 280-50-98, 280-51-06.

Тошкент вилояти Адлия бошқармасида ҳар ойнинг биринчи ва охирги жума кунлари "Тадбиркорлик кунлари" деб эътироф этилди ҳамда ушбу кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муаммоли масалалари юзасидан бевосита бошқарма раҳбарияти ва масъул ходимлар томонидан қабул қилиниши белгиланди.

XXI аср ва ДУНЁ

ОБАМА КАДДАФИНИ АЙБЛАДИ

Ливиядаги сиёсий беқарорлик ва тўполонлар туфайли Тунисга қочиб ўтган мисрликларни ватанларига қайтишлари учун АҚШ ҳарбий самолётларидан фойдаланилади.

CNN тарқатган хабарга кўра, АҚШ президенти Барак Обама Мексика президенти Felipe Кальдерон билан биргаликда Оқ уйда ўтказган матбуот анжуманида шу фикрни билдирган.

АҚШ мудофаа идораси юқори мансабли вакилларининг "Associated Press" агентлигига маълум қилишларича, мисрлик қочоқларни Тунисдан ватанларига олиб келишга 4 март, жума куни киришилган.

АҚШ президенти Ливия етакчиси Муаммар Каддафи "мамлакатни бошқариш қонуний ҳуқуқини йўқотди ва энди лавозимидан кетиши керак" деди. Шунингдек, Обама Каддафининг атрофидагилар "тинч аҳолига нисбатан кўрсатган барча зўравонликлари учун" жавоб беришлари керак деб огоҳлантирди. Associated Pressнинг таъкидлашича, АҚШ президенти Каддафига нисбатан биринчи марта шундай кескин гапирди.

НИГОҲ

ҚИРҒИЗИСТОН БОЛАЛАРИ ЭРТА УЛҒАЙИШЯПТИ

Бунинг бир қатор ўзига хос "узрли сабаб"лари бор

Турмуш тақозоси билан айрим оилалардаги болалар бозорларда юк ташиб, далаларда ҳосил йиғим-теримига ёрдамлашиб, бошқа "дастёрчилик бизнеси" билан шуғулланиб, рўзғор учун бироз пул ишлаб топишга мажбурлар. Аниқроқ қилиб айтганда, ота-оналарига қўлларидан келганча ёрдам беришлари керак. Акс ҳолда қора қозоннинг қайнаши мушкул.

Баъзан ҳали мутлақо гўдак тиланчиларни ҳам учратиш мумкин. Уларга каттароқ ёшдаги ўсмирлар бошчилик қилишади. Шу боис ўқишга қатнашишдаги қўнимсизлик, дарсларни ўзлаштиришнинг пастлиги Қирғизистонда "тузалмас дард"га айланиб боряпти.

Начора, бундай болаларнинг мактабга қатнашга вақтлари йўқ. Чунки, бундан-да, муҳимроқ ишлари бор. Тўғри, педагоглар бу дардга қарши ўзларича курашмоқдалар. Доимий дарс қолдирувчиларни синфга киритмай, ота-оналарини чақиришади. "Сиздан угина, биздан бугина"га одатланган айрим ўқитувчилар эса, арзимаган манфаатдорликни деб бу масалага кўз юмиб қўя қоладилар.

Экспертларнинг хулосаларига қараганда, бугунги кунда 70 мингдан зиёд ўқувчи мактабга бормаяпти. Кўплаб оилалар учун мактаб ўқув муассасаси эмас, балки балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекцияга айланиб бораяпти.

Иссиққўл вилояти Туп туманидаги Бойзоқ қишлоғида юз берган хунук воқеа кўплаб одамларнинг қалбини қаттиқ ларзага солди. Гап шундаки, 9-синфда ўқиётган қиз ўз жонига қасд қилди. Аниқланишича, ўзини осиб ўлдиришига оиласининг камбағаллиги сабаб бўлган.

– Отаси пул ишлаб топиш учун Астана шаҳрига кетган, – деб хабар беради "Акцент" жамоатчилик фонди раҳбари, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш лигаси ҳамда бола ҳуқуқи ва эркинлигини муҳофаза этиш жамоатчилик кенгаши аъзоси Анна Макарова. – Онаси – ишсиз. Қишлоқда қариндош-уруғлари йўқ. Ҳеч ким ёрдам бермайди. Қизнинг мактабга кийиб борадиган дурустроқ кийим-бошлари ҳам тўзиб бўлган. Шунинг учун қиз бечора ҳаётдан эртароқ кетишга қарор қилган.

Бу аёл хизмат вазифаси юзасидан мактаб билан ўз оиласини боқишга кўмаклашиш жараёнида эрта улғайган ўсмирлар ўртасидаги можароларни бир неча бор тўғри ҳал этишга эришган. Лекин...

Бугунги Қирғизистон мактаблари гўё катталарнинг қашшоқ, жиноий хатти-ҳаракат ва миллатлараро можароларга тўлиб-тошган ҳаётларини акс эттираётгандек. Мактаб ёшидаги жиноятлар кўлами жуда кенг тус олаяпти. Биз катталар эса, юртимизни келажакда ҳар томонлама баркамол авлод ўрнига ҳаётий қараш ва ахлоқи мутлақо бузилган болаларга қолдириб кетишимиз ҳеч гап эмас. Зеро, бола туғилиши биланоқ биринчи галда дуч келаётган нарса тобора кенгаяётган камбағалликдир. Болаларига махсус озиқ-овқат, қўғирчоқ ва бошқа зарур нарсаларни олиб бериш учун ота-онанинг ҳеч вақолари йўқ. Бундай оилаларнинг болалари ўзларини кўп нарсалардан бенасиб, бой-бадавлат хонадонлардаги тенгдошларига нисбатан камситилгандек ҳис этадилар. Улар ўзгаларнинг сарқитини кийишга мажбурлар. Мутлақо табиийки, дийдаси қаттиқ ва раҳм-шафқатсиз босқинчилар айнан шундай болалардан етишиб чиқади. Сўнг улар ўз ўртоқларига зўравонлик қилиб, нарсаларини шилиб оладилар ва энг ёмони, истаганларича хўрлайдилар. Қарабсизки, булар жиноят олами кишисига айланишади.

Бу орада таълим савияси фожиали даражада пасайиб кетаяпти. Мактабларда дарсликлар, компьютер ва фан ўқитувчилари етишмайди. Таълим тизимининг йиллик бюджети 11 миллиард сом ёки 253 миллион АҚШ долларига тенг. Давлат молиялаштириш тизими деярли ишламайди. Ҳатто, жорий таъмир, дарсликлар сотиб олиш учун ҳам пул йўқ. Шу боис ноқонуний пул йиғишлар авж олаяпти. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ота-оналар ўртада пул тўплаб, бўш ётган синфлар учун парта ва столстул сотиб олиб беришга мажбур қилинмоқда. Биринчи синф ўқувчиларининг ота-оналаридан болалари мактабга қабул қилингани учун 2 мингдан 20 минг сомгача пул ундириб олинаяпти. Агар бола тураржойида рўйхатдан ўтмаган бўлса, уни каттагина пул эвазига қабул қилишлари мумкин.

Педагогларнинг иш ҳақи 1400-2000 сом. Ёш кадрлар мактабда ишлашга ошиқишмайди. Шу сабабли ўқитувчиларнинг аксарияти 50-60 ёшда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий етимлар кўпайиб бораяпти. Ҳозир улар 23 минг кишидан ошди. Айниқса, гўдакларнинг болалар уйига тушишидан Яратганнинг ўзи асрасин. Тўғри, бу ерда боқишади, ғамхўрлик қилишади, нималаргадир ўргатишади. Аммо, болалар уйида ҳам рэкет етарлича бор. Ачинарлиси шуки, бу ердан муддатни тугатиб чиқувчилар яна кўча дайдисига айланадилар. Уй-жойсиз, ишсиз ва номаълум келажак билан юзма-юз қоладилар. Давлат уйжой қурмаяпти. То қиёматгача навбат кутсангиз ҳам барибир, уйли бўлолмайсиз. Шундай экан, болалар уйидан чиққан ўсмир ва ёшларнинг жиноятчилар сафини тўлдиришдан ўзга чоралари йўқ. Айнан шулар мамлакат келажагини белгилайдилар.

Медет ЖЭЭНБЕКОВ.
Белый Парус.

ҲУКУМАТ САЙТИГА ҲУЖУМ

Жанубий Корея маъмурлари ўнлаб ҳукумат сайтига, шунингдек, йирик компаниялар сайтларига ҳужум қилингани ҳақида маълумот тарқатдилар.

Интернет-хавфсизликни таъминлашга ихтисослашаётган AhnLad фирмасининг баёнотига кўра, 4 март, жума куни жами 40 та – Мовий уйдаги президент сайтига, шунингдек, ташқи ишлар ва мудофаа вазирликларининг расмий сайтларига ҳужум уюштирилган.

Хакерлар 2009 йилда ҳам Жанубий Кореянинг давлат тузилмалари сайтлари, шунингдек, мамлакатдаги йирик банкларнинг онлайн-вакилликлари сайтларига ҳам ҳужум қилган эдилар. Натижада кўп сайтлар ишдан чиққанди.

Воқеа тафсилотларини ўрганиш чоғида маълум бўлдики, ҳужум Буюк Британияда жойлашган сервер орқали мувофиқлаштирилган. Аммо, мамлакат разведка хизмати бошлиғи ҳужумда Шимолий Корея телекоммуникация вазирлигини айбламоқда. Ҳали якуний хулосалар эълон қилингани йўқ.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан, 01.03.2011 йилдаги №6193 ижро ҳужжатига асосан, Бўстонлиқ тумани, Исфара ЙПХ омборхонасида сақланаётган "Нексия" русумли, д/р X348EPN бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 452 263 сўм.

II. Аукцион савдосига Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.10.2010 йилдаги 10-1005/137121-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўртачирчиқ тумани "Ўзкейс сервис" корхонаси ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Мидибус-М-24" русумли, д/р 11АН450 бўлган, 1998 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 28 544 301 сўм. 2. "ДЭУ Супер салон" русумли, д/р 11TV101 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 364 233 сўм. 3. "Нексия" русумли, д/р 11TV185 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 921 926 сўм. 4. "Дамас DLX" русумли, д/р 11АС184 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 485 814 сўм. 5. "Дамас" русумли, д/р 11АС149 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 171 541 сўм. 6. "Тико STD" русумли, д/р 11АС186 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 884 991 сўм. 7. "ЗИЛ-130В" русумли, д/р 11АВ224 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 301 496 сўм. 8. "МАЗ-5334" русумли, д/р 11АВ211 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 275 306 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 5 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

III. Шунингдек, 2011 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Зангиота тумани СИБ томонидан такроран қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Зангиота тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 1."Газ-69" русумли, д/р 11Т5344 бўлган, 1961 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №10230. Бошланғич баҳоси – 391 816 сўм. 2. "Уаз-33970" русумли, д/р 11М0768 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №9280. Бошланғич баҳоси – 649 982 сўм. 3. "УАЗ-451" русумли, д/р 11R0403 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №7289. Бошланғич баҳоси – 582 547 сўм. 4. "УАЗ-31512" русумли, д/р 11Q2538 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №6530. Бошланғич баҳоси – 190 158 сўм. 5. "УАЗ-452" русумли, д/р 11U4315 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №6529. Бошланғич баҳоси – 1 219 683 сўм. 6. "УАЗ-396201" русумли, д/р 30С8069 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №7056. Бошланғич баҳоси – 1 989 974 сўм. 7. "УАЗ-3151201" русумли, д/р 11Е3656 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №5970. Бошланғич баҳоси – 648 564 сўм. 8. "УАЗ-3303" русумли, д/р 11Х9709 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2010 й., №9281. Бошланғич баҳоси – 619 921 сўм. 9. "УАЗ-452" русумли, д/р 30S5374 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №5980. Бошланғич баҳоси – 1 314 524 сўм. 10. "Газ-24" русумли, д/р 30R7630 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №9869. Бошланғич баҳоси – 483 995 сўм.

Зангиота тумани "Бурҳонсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 11. "ИЖ-2125" русумли, д/р 11Т0899 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №10167. Бошланғич баҳоси – 481 288 сўм. 12. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11N1980 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №11938. Бошланғич баҳоси – 580 490 сўм. 13. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11V3980 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №11939. Бошланғич баҳоси – 687 477 сўм. 14. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11J4291 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №13655. Бошланғич баҳоси – 848 738 сўм. 15. "ГАЗ-2401" русумли, д/р 01Х687ВА бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №14201. Бошланғич баҳоси – 503 588 сўм. 16. "М-2140" русумли, д/р 30О5136 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №12469. Бошланғич баҳоси – 290 273 сўм. 17. "УАЗ-452" русумли, д/р ва и/ч йили ноаниқ автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №14088. Бошланғич баҳоси – 735 641 сўм. 18. "Газ-24" русумли, д/р 11I2720, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати. 02.03.2011 й., №1340. Бошланғич баҳоси – 580 950 сўм. 19. "Газ-24" русумли, д/р 01Y583ВА, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати. 02.03.2011 й., №1286. Бошланғич баҳоси – 585 843 сўм. 20. "УАЗ-469" русумли, д/р 11W5369 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2011 й., №1130. Бошланғич баҳоси – 675 786 сўм.

